

Яқинда ўзбек тилида эшиттирадиган чет эл радиоларидан бирида самаркандлик бир олим халигача Улугбек расадхонаси бузилиб кетган сана аниқланмаган, деб куюниб гапирди. Демак, у «ЎзАС»нинг 1996 йил 5 апрел сонида «Улугбек расадхонасининг биз билмаган тарихи» сарлавхаси остида эълон қилинган мақола мазмунидан беҳабар экан. Ҳа, расадхона қачон бузилгани кўпдан олимларимиз учун жумбоқ бўлиб келди, лекин Мутрибий Самаркандийнинг «Нусхайи зебоий Жаҳонгир» тазкираси кўлөзмасининг Англияда сақланувчи нусхаси микрофилми профессор Ашраф Аҳмедов томонидан юртимизга олиб келинган ва олим Исмоил Бекжонов томонидан ўрганилиб, Эронда форс тилида чоп этилган, шу манба асосида Улугбек расадхонаси сўнги тақдирига ҳам аниқлик киритилди. Бу ҳақда И.Бекжоновнинг биз эслатган илмий хабари эълон қилинди.

Куйида шу манбанинг Улугбек расадхонасига оид қисмининг тўла таржимаси ҳамда таржимоннинг изоҳи эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Мутрибий «Нусхайи зебоий Жаҳонгир» тазкирасини Жаҳонгир бин Акбар бин Хумоюн бин Бобур подшоҳга бағишлагани учун унда теурийлар авлодлари ва улар томонидан қилинган хайрли ишлар, уларнинг адабиёт-маданият тарихида қолдирган ёдгорликлари ҳақидаги маълумотларни ақс эттиради. Масалан, Гўри Мир, Улугбек расадхонаси, Самарканддаги Улугбек мадрасаси ва Муқаттаъ масжиди, Самарканд шаҳрида Улугбек қурдирган Байни тоқайн — рўбару тоқ(дарвоза)лар(уларни Абдулмўъминхон 1598 йили буздириб ташлаган), Гўри Мир ёнидаги Бобур мирзо ховузи ёки Шохизинда меъморий мажмуасидаги теурийлар хилхонаси ёдгорликлари, Шодмулкхоним кўприги ҳамда Акбар подшо, унинг ўғли Жаҳонгир подшоҳнинг Гўри Мирни таъмирлаш борасидаги ташаббуслари ана шулар жумласидандир. Мутрибий хабарига қараганда, самаркандлик Хожи Дўст Муҳаммад Равғангар 977 хижрий (1570) йили Акбар подшоҳ ҳузуринда бўлганида унга Улугбек расадхонаси ҳақида ҳам сўзлаб берган. «Абдуллонома» муаллифининг ёзишича, Амир Қулбобо Қўқалтош Абдуллоҳон буйруғига биноан 986 йил рамазон (1578 йил ноябр) ойидан мазкур китобнинг Биринчи мақоласи тугалланаётган 995(1586-1587) йилгача Самаркандда «буюқ амир (Теуур) ва унинг авлодларидан қолган ҳамда бузилиш ва вайронликка юз қўйган иморатларни тузатишга тиришқоқлик қўрсатмоқда» экан¹. Хофиз Таниш Бухорий бу пайтда Улугбек расадхонасининг бузилгани ҳақида бирон сўз айтмайди, ақсинча, бундай иморатлар таъмирланаётганини таъқидлайди. Демак, бу даврларда хали расадхона сақланиб турган экан. Бизни қизиқтирган мавзу — расадхонанинг қачон бутунлай бузиб ташлангани хабарини эса, «Нусхайи зебоий Жаҳонгир»даги ушбу парча маълумотлари ҳикоя қилади: «Шухратий Миёнқолий. Мулло Боқий Гўримирий² нисбаси билан танилган. Беқайдлик ҳислатидан холи эмас эди. Шунинг учун ҳам ўзига Шухратий деб таҳаллус қўйган эди. Ҳамиша лаванд (бузуқи) ва ҳабиса(ярамас хулқли)лар билан ўтириб-турарди. Самарканднинг хожа Холдор деган машҳур бир ўспиринига қўнғил берганди. Баҳор қўнларининг бирида шу дўсти билан маст қолди Самарканднинг Байни тоқайни ёнидан ўтиб бораётганида қўрдим. Қарасам, дўсти итининг бўйинбоғини ўз бўйнига боғлаб олибди, орқасидан эса хожа Холдор уни шикорчи итдай олдиға солиб, гўё овға қетаётгандек бораёттир. Шухратий маст қолатида ушбу байтни айтмоқда эди. Назм:

Сағи ту аз ҳама дар олами вафо бехтар,

Улугбек расадхонасини ким буздирган?

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

Агар саги ту набошим саг зи мо бехтар.

(Мазмуни: Вафо оламида итингдир барчадин авлорок, Итинг бўлмасак агар, ит бўлсин биздан аълорок.)

Шухратий ўта довюрак ва кўркмас одам эди. Бир окшомги ўтиришда хожа Холдор унга: — Шухратий, шахид Султон Улугбек мирзо расадхонаси ичида жуда кўркинчли бир жой бор, деб эшитаман. Баъзи довюрак одамлар ўша ергача кириб, белги кўйиб чикканмиш. Сен хам мана шу пичогимни белги сифатида кўйиб чика оласанми? — дебди.

Шухратий бу сўзни қабул қилиб, дўстининг пичогини олиб, ярим тунда шаҳар қалъаси деворидан ошиб тушибди ва расадхона ичига кириб, белги кўйиб чиқибди. Бу манзил ичида Шухратийнинг жинларни кўргани воқеасини бир бошдан сўзлаб ўтирсак, анча вақтимизни олади. Лекин шунда жин таъсиридан унинг бир кўзи айбли бўлиб қолган эди.

Факат угина эмас, балки жуда кўп кишилар бундай довюракликка тиришиб, жонларини зоеъ қилдилар. Шулардан бири Фарход хабиса бўлиб, у хам бир ўтиришда ракиби билан шарт бойлашиб, қўлида қозик, расадхонанинг шипига фалак табақалари, иқлимлар сурати қизилган хонасига кирибди ва қозикни деворга қоқиб, билмасдан, тўнининг этагини хам қозикка қўшиб деворга маҳкамлабди. Табиийки, ўрнидан тураётганда қимдир этагидан ушлаб тортаётгандек бўлган, у эса зим-зиё қоронгулик ва ярим тунда, қундузи одамлардан эшитиб юрган жинлар бўлса керак, деб ўйлаган чоғи, шу захотиёқ ўтақаси ёрилиб, жойидаёқ жон берган.

Бунга ўхшаш воқеалар кўп бўлган. Шунинг учун хам Хожибий Отолик Дўрмон ул ўхшаши йўқ латиф иморатни бузиб ташлаб, гишт ва бошқа қурилиш анжомларини Шодмулк Око кўпригини таъмирлашга ишлаттирди. Бу (Шодмулк) Око Амир Хожи Сайфиддиннинг заифаларидан бири бўлган. Сохибқирон (Амир Темур) хаёти айёмида Мироншоҳ мирзонинг ўғли Султон Халил унга ошиқ бўлиб қолиб, ҳар хил йўлларни ишга солиб, хотинни қўлга қиритибди ва ўз ҳарамига қелтирибди. Сохибқирон бу воқеадан хабар топгач, ул аёлни ўлдирмакка буюрибдилар. Сохибқироннинг жалила завжаси Маҳдиулё Сароймулкхоним, «Бу аёл Султон Халилдан хомила, юки енгиллашгач ўлдиришга амр этсалар, ихтиёрлари», дея арзларига етказибди. Сохибқирон кўнибдилар. Кўп ўтмай эса, Самарқанд салтанати Султон Халилга муқаррар бўлибди ва бу аёл мулкка сохиби ихтиёр чиқиб, тўрт йил давомида бу ўлка унинг ҳукми остида бўлибди, мазкур кўприкни ўша вақтда Кўҳак суви (дарёси) устига қурдирган экан. Кўприк кўп йиллар мобайнида одамларга хизмат қилган. Аммо Султон Саъидхон салтанати замонида ўтиш жойи бўлган тоқининг ўртасидан анча жойи ўпирилиб тушгани ва ҳар икки томонидан бир қарич микдорда сакланиб қолгани сабабли ҳатто пиёдалар хам у ердан минг бир кўркув билан ўтардилар.

Аммо таажжубга лойиқ бир воқеа содир бўлган эди: Султон Саъидхоннинг тўпчибошиси ва биз номини юқорида тилга олган Мир Тулак ўша ўтар тор жойдан отда ўтган ва бир тўн билан муқофотланган эди.

Хожибий Отолик Дўрмон (мазкур расадхона гиштаридан) бу бузилган тоқ ёнига яна бир тоқ қурдирди. Лекин бироз вақтлардан сўнг сув тоқини рўй бериб, уни тағ-туғи билан кўприб ташлади. Шодмулк Око тоқи эса бугунги бир минг ўттиз олтинчи (1036/1627-1628) йилгача ўз охириги ҳолича сакланиб турибди.

Мулло Шухратий охирида тавба қилиб, аҳли аёллик бўлиб ва Миёнқолда дехқончилик ишлари билан шугулланиб юрарди. Тўққиз юз етмиш иккинчи (972/1565) йили тарқалган

ва кўпчиликнинг ёстигини куритган вабо киргинида хотини иккаласи бир кунда ўлиб кетдилар5 ...»

Хожибий Отолик Дўрмон ким ўзи? «Абдуллонома» муаллифи унинг Дўстой Хожи бин Жонвафобий Дўрмоннинг ўгли экани, Абдуллохоннинг Самарканд, Тошкентни Кўчкинчихон ва Севинчхожахон авлодларидан тортиб олиш ва бошка канча урушларда жонбозлик кўрсатганини ёзади. «Мусаххир ил-билод» ва бошка тарихга оид асарлардан биламизки, амир Жонвафобий Дўрмон Шайбонийхоннинг якин кишиларидан бўлиб, Шайбонийхон уни 1500 йили Самарканд, 1507 йил май ойида Хирот доругаси килиб тайинлайди. Жонвафобий Дўрмон 1510 йил декабрида Марв камали жангида Шайбонийхон билан бирга сафавийлар томонидан ўлдирилади. Хасанхожа Нисорий маълумотига караганда, унинг ўгли, яъни Хожибий Отоликнинг отаси Шужоиддин Дўстмухаммад Дўрмон ҳам шайбоний хон ва султонлари олдида катта эътиборга эга бўлган, икки марта хажга борган, аммо мансабга унчалик хуши бўлмаган, шеърлар ёзган. Иккинчи марта 973 хижрий (1565) йил хажга кетганида «Музаққир ахбоб»ни ёзаётган Нисорий унинг эсон-омон кайтиб келишини тилайди. Мутрибий «Тазкират уш-шуаро»да Хожибий Отолик Дўрмонга махсус тўхталиб, шундай ёзади(мазмун): «Хожибий Отолик Дўрмон ўз шеърларида «Хожи» тахаллусини қўллайди, аммо асл номи Малик Мухаммадбий, болалигида отаси билан хажга бориб келгани сабабли «Хожибий» лакаби билан танилган. Шоирлар ва фозилларга, умуман, барча халойикка кўп яхшиликлар кўрсатарди. Кўп йиллар жаннатмонанд Самарканд мулки ҳукуматида мансуб турди. Шахид Абдулмўъмин замонида Хирот ҳукуматини бошқарди. Ўша ерда кизилбошлар билан бўлган жангда шахидлик шарбатини татида. Камина баъзида Самаркандда хузурларига бориб турар, манави сингари мувашшах газал ва касидаларни ўтқариб, қўлларидан от, чакмон, пул ва салла каби инъомлар олардим».

«Тазкират уш-шуаро»да Хожибий Отоликнинг беш байтлик иккита газали хавола этилган.

«Нусхайи зебоий Жаҳонгир»нинг бошида Мутрибий Хожибий Отолик хақида куйидагиларни ҳам ёзиб ўтган:

«Самарканд ахолиси... хайит ва Наврўз байрамлари... шу майдон (Гўри Мир ёнида) йигилар эканлар ва бу одат... Ибодулло султон салтанатиб давригача расм бўлди, Хожибий Отоликнинг Самаркандда хокимлиги замонида эса унинг ҳукмига биноан... бу ерда йигилиш тўхтатиб қўйилди. Сабаби шунда эдики, бу ерга келган оломон одоб деган нарсани унутиб, бўшаниш учун ушбу нурга тўла дахма устига чиқишни одат килиб олган, бу ёмон килик мазкур амирни газаблантириб, шундай буйрук чиқарганлар».

«Абдуллонома» маълумотида караганда, Хожибий Отолик Дўрмон Абдуллохоннинг 1572 йил ёзи ва 1578 йил кузидаги Самаркандга, 1579 йил баҳоридаги Тошкентга юришида катнашади, у бу урушга Балхдан чакирилиб, Тошкент камалида Балх ва унинг атрофларидан келган Абдуллохонга карашли лашқарга кўмондонлик килади. Ўша 1579 йил мартада Абдуллохон Тошкент хокимлигига акаси Дўстум (Абдулқуддус) султонни ўтказганда, шу вилоятнинг молиявий ва ҳарбий ишларини бошқариш учун Хожибийни Дўстум султонга отолик килиб тайинлайди. Аммо шундан икки ой сўнг — то 1580 йил бошигача Тошкент яна Бобохон бин Наврўз Ахмадхон кўлига ўтади. Бу ерга ўша йили тагин Дўстум султон кайтиб келганида эса, Хожибий Отоликнинг ҳам Тошкентга келган-келмагани бизга қоронги. «Мусаххир ил-билод» асарида Самарканд хокими Ибодулло султон ўлими рўй берган 1585 йил сентябрида Хожибий Отоликнинг Самарканд ҳукуматида девонбеги вазифасини бажараётгани айтилади. Хожибий

Улугбек расадхонасини ким буздирган?

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

Отоликнинг Самаркандда шу вилоят хокимлигига тайинланиши, афтидан, 1585 йил охирида рўй берган.

«Нусхайи зебойи Жахонгир» маълумотларига мурожаат қилиб, амир Хожибий Отолик ҳаёти сўнгига яна бир бор назар ташлаймиз:

«Дўст Вафобий Отолик Дўрмоннинг чиройли зикри. Амир ул-умаро Хожибий Отоликнинг етук ўгли. Отасининг улугворлиги Абдуллахон замони(1561 — 1598 йиллар — И.Б.)да қуёшдек равшан эди. Йигирма беш йил Самарканд хокимлиги мансабига мансуб туриб7 , адолат билан иш юргизди. Фозилларга тарбиятлар кўргазгучи ва заифларни ҳимоят қилгучи бўлиб Самарканд унинг ҳукумати айёмида Мовароуннахр шаҳарларининг рашкини келтирадиган жойга айланганди. Абдулмўъминхон замонида(1598 йил — И.Б.) Балх вилояти хокимлиги мансабига ҳам мансуб турди. Сўнг шу хон замонида Дор ус-салтана Хирот ҳукуматини бошқариш даражасигача кўтарилди. Абдулмўъминхон ўлдирилгач (1598 йил август ойи боши — И.Б.), Шох Аббоснинг шу шаҳарни истило қилиш пайтидаги жангда ўша вилоятда Динмухаммадхон бин Жонихон(аштархоний) билан бирга шахид бўлган8 ... Ўгли ушбу 1035 (1627 — И.Б.) йили... Бадахшон вилоятининг Кундуз туманида ҳукумат мансабида ўтирибди».

Демак, Хожибий Отолик Улугбек расадхонасини 1588 — 1598 йиллар орасида, аниқроғи, 1590 — 1592 йиллари буздирган.

Самарканд шаҳри ободончилиги учун шунча ишлар қилган ва шоиру олимларга хомий бўлган, ўзи ҳам гўзал газаллар ёзиб, номи ва отаси номи тазкираларга тушган амир Хожибий Отолик омий одамларнинг ножўя қилиқларига жаҳл қилмасдан расадхонани буздирмай саклаши мумкинмиди?

Тўғри, Хасанхонжа Нисорий ёзганидек, Улугбек мирзо ва унинг устозу шогирдлари вафотидан сўнг «ҳеч ким расад боғламоққа муваффақ бўлмаган» ва Мутрибий гувоҳлик беришича, ҳақиқатан ҳам расадхона хароба бир жойга айланиб қолиб, ундан фойдалана олмаганлар. Бундай қараганда, Хожибий Отолик масаланинг айнан шу томонларини ўйлаб иш кўргандек. Яна савол тугилади: ахир, барибир, ўша 1588 — 1592 йилларгача, яъни 150 йил мобайнида расадхона бузилмай турган-ку! Бу давр оралигида Самаркандда теурийлардан ташқари ҳар хил — гоҳ оқил, гоҳ инжиктабиат шайбонийлар ҳам хокимлик қилган-ку? Аммо улар ҳам расадхонани буздирмаганлар. Бу ҳақда бош хон Абдуллахоннинг ҳам буйруги бўлмаганини юқорида кўрдик, бор бўлса, Хофиз Таниш Бухорий ва Мутрибий бирор баҳона билан ёзган бўлардилар. Демак, Хожибий Отоликнинг бу ишини ҳеч ҳам оқлаб бўлмайди. Ахир, кўприк таъмири шу гиштларга қараб қолганмиди? Нима, Улугбек мирзонинг аччиқ қисматиға ўхшаб, бу ҳам бир тақдирнинг илм-фан, маданият аҳлиға берган оғир зарбаси ва каттик синовими? Ўқи Беруний бобомиз минг йил олдин бутун бир рисола ни бағишлаган Бомиён тоғидаги Будда хайкалининг жохиллар томонидан яқсон этилиши қаби башариятни оғохлантиришимиз? Билмадим, аммо, ҳар ҳолда, расадхона сакланиб қолганда, ушбу мустақил замонамизда бизга яна бир бор ифтихор ва илҳом туйғусини бағишлаши шубҳасиз эди.

1. Хофиз Таниш ал-Бухорий. «Абдуллонома». Тошкент, «Шарк», 1999, 316-бет. (Бу асарнинг биринчи таҳрири 1584 йил баҳорида илғари ёзилган қоралама асосида бошланиб, 1583 йил воқеаларини ўз ичига олган шаклда ўша йил охирида тугалланган, иккинчи таҳрири 1586-87 йил, учинчи, яъни охириги 1589 йили тугалланган.)

Улугбек расадхонасини ким буздирган?

Муаллиф:

26.10.2013 14:37 -

2. Гўри Мир (Гўри амир) макбараси хизматчи-ходимлари ёки шу махаллада яшовчиларга берилдиган нисба.
3. Бу шайбонийнинг бобоси Кўчкинчихоннинг онаси Робия Султонбегим Улугбек мирзонинг кизи бўлган. Султон Саъид султон 1551, 1557 — 1572 йиллари Самаркандда хонлик қилган.
4. Мир Тулакнинг 1568 йили ўзи тўпга солган ўқдан халок бўлиши воқеаси тазкиранинг «Акбар подшоҳ» бобида келган. Бу санада ҳам расадхона бус-бутун сакланиб турганига Мутрибийнинг ўзи гувоҳлик беради.
5. Мутрибий бу ерда санани янглиш кўрсатмоқда, чунки у «Нусхайи зебойи Жахонгир»нинг мавлоно Кўдакий Ромитанийга бағишланган қисмида Шухратийни 1013 (1604) йили самаркандда кўрганини ёзади, «Тазкират уш-шуаро» маълумотларидан эса, айнан шу учрашувнинг 1604 йилдан бир неча йил олдин рўй бергани англашилади. Колаверса, 1565 йили Мутрибий 9 яшар бола бўлган, Шухратийни мазкур дўсти билан кўргани воқеаси эса ундан ҳам олдинроқ рўй бергани ҳамда у Шухратий билан боғлиқ ходисаларни катта ёшдаги одам нигоҳи билан хикоя қилади.
6. Ибодулло султон Самаркандда 1578 йил ноябридан то ўзининг яқин амирларидан бири томонидан ўлдирилган 1585 йил август — сентябригача ҳокимлик қилган.
7. Хожибий Отоликнинг Самаркандда 25 йил ҳокимлик қилгани ҳақиқатга сира тўғри келмайди, балки Мутрибий унинг Балх, Тошкент ва Хирот ҳукуматидаги фаолиятларини ҳам назарда тутаётгандир.
8. Абдулмўъминхон ўлдирилгач, унга қариндош, аммо аштархонийлар хонадонига мансуб султон Динмуҳаммад 1598 йил август-сентябрида ўзи турган Зобулистондан Хирот сари отланади, яқиндагина Хирот ҳокимлигига тайинланган Хожибий Отолик Дўрмон унга дарвозани очиб беради, Динмуҳаммад Хиротда хонлик эълон қилиб, унга бобоси Ўрмуҳаммадхонни ўтказди (Бухорода бош хонлик тахтига охириги шайбоний Пирмуҳаммадхон ўтирган эди). 1599 йил июнида Шох Аббос Хиротни олиш учун юриш бошлаб, ўша йилнинг 28 июлида Хиротдан тўрт фарсах узокликда жойлашган Пули солор мавзеига келиб тушади ва 29 июл куни Динмуҳаммадхон кўшини билан жангга киришади, шу урушда Динмуҳаммадхоннинг ўзи ва 4000 киши халок бўлади, улар орасида Хожибий Отолик Дўрмон ҳам бор эди.

Исмоил Бекжон